

УДК 625.7/8 (083)

**БЕТОН ВА АСФАЛЬТ-БЕТОН МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЙЎЛ
ВА ЙЎЛАКЛАР ҲАМДА КИЧИК МАЙДОНЛАР ҚУРИШДА ЙЎЛ
ҚЎЙИЛАЁТГАН КАМЧИЛИКЛАР**

Н.Р.Ходжиев

Наманган муҳандислик-қурилиши институти доценти

Р.У.Назаров

Наманган муҳандислик-қурилиши институти ўқитувчиси

roxatbeknazarov@gmail.com

Аннотация: Мақолада юртимизни турли жойларида, шаҳарларда, туман ва қишлоқларда катта ва кичик йўл ва йўлакларни барпо этишида ва қайта таъмирлашида, ёки янги қурилаётган ҳамда қайта таъмирланаштиришида яхши майдонларни ташки худудларида янги йўл ва йўлаклар, кичик майдонлар қуришда, эски йўлларни қайта таъмирлаши (ободонлаштириши) ишларини амалга оширишида қўлланилаётган бетон ҳамда асфальт-бетон материалы маълум вақт ўтиши билан ҳосил бўладиган ёриқларни бартараф этиши масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: бетон, асфальт-бетон, йўлак, кўчам, дарахт, бодюр, лоток.

**БЕТОН И АСФАЛЬТОБЕТОННЫЕ МАТЕРИАЛЫ СТРОИТЕЛЬСТВО ДОРОГ
И ОБОРОТ И СООРУЖЕНИЙ МАЛОЙ ПЛОЩАДИ**

Аннотация: В статье при строительстве и реконструкции больших и малых дорог и коридоров в различных местах нашей страны, в городах, районах и селах, или при строительстве новых дорог и коридоров, небольшие участки во внешних границах вновь строящихся и реновируемых зданий, при осуществлении реновации (благоустройства) старых дорог освещается проблема ликвидации трещин, образованных отработанными бетонными и асфальтобетонными материалами за определенный период времени.

Ключевые слова: бетон, асфальтобетон, тротуар, саженец, дерево, кузов, лоток.

**CONCRETE AND ASPHALT-CONCRETE MATERIALS CONSTRUCTION OF
ROADS AND SIDEWAYS AND SMALL AREA CONSTRUCTIONS.**


Abstract: In the article, during the construction and reconstruction of large and small roads and corridors in various places of our country, in cities, regions and villages, or during the construction of new roads and corridors, small areas within the outer boundaries of newly constructed and renovated buildings, in the implementation of renovation (improvement) old

roads, the problem of eliminating cracks formed by waste concrete and asphalt concrete materials over a certain period of time is highlighted.

Key words: concrete, asphalt-concrete, sidewalk, seedling, tree, bodyur, tray.

Маълумки, “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш, шаҳарлар, туман марказлари ҳамда аҳоли пунктларида экологик вазият ва ҳаво тозалигини яхшилаш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тузилган бўлиб, юртимизни турли жойларида жадал ишлар амалга оширилмоқда. Замон талабларига жавоб бера оладиган янги биноларни барпо этиш, эски биноларни қайта таъмирлаш, катта ва кичик йўллар ҳамда майдонлар қуриш, янги экинзорлар ва дараҳтзорларни яратиш каби масалалар кўзда тутилган. Бу борада Ўзбекистонда 2 ноябрдан 10 декабрга қадар дараҳт экиш бўйича “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинган. Ушбу вақт мобайнида вилоятларда бир неча миллион туп кўчатлар катта экинзор майдонларда, йўл ва йўлакларнинг атрофида ўтказилди. Март ва апрель ойларида ҳам кўплаб вилоятлар дараҳт экиш ишларини тўхтатмади, турли хил мевали ва мевасиз дараҳт кўчатлари ўтказилди. Бугунги кунда ўтказилган дараҳтларнинг барчаси яшил тусга кириб, шаҳар ва туманларни чиройига чирой қўшмоқда.

Инсоният томонидан яратилаётган бундай кенг кўламдаги ишлар негизида юртнинг тараққиётини ўстириш, халқнинг эртанги кунини яхшилаш, фаровон ҳаёт кечириш кўзланган. Юртимизнинг турли жойларида тарихий иморатларини қайта таъмирлаш ва қуриш ишлари, уларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш, янги кўп қаватли бинолар тиклаш ёки қайта жихозлаш каби мисоллар келтира оламиз. Албатда, яна жуда кўплаб мисоллар келтириб ўтишимиз мумкин, ҳар бир қилинаётган ишларни инсоният оламига фойдали томонларини ва ёмон оқибатларга олиб келадиган томонларини ўрганиб кейин амалга оширилади. Янги ва қайта таъмирла-наётган биноларнинг атрофида йўлаклар ва майдонлар ҳосил қилишда, шаҳар, туман ва вилоятларни боғлаб турувчи йўлларни қайта таъмирлаш, янги йўллар ҳосил қилишда йўл қўйиб бўлмайдиган даражада хатоликларга йўл қўйилмоқда. Мавжуд дараҳтлар ёки янги ўтказилган дараҳтлар атрофи бетон ва асфальт-бетон қоришишмалари билан тўлдириб юборилмоқда (1-расм).



a)



б)

1-расм. Атрофи бетонлаб ташланган янги ўтказилган кўчатлар.
а - кўчатлар йўлакнинг ўрта қисмига яқин жойда, б - кўчатлар йўлакнинг четки (бордюрга яқин) жойда.

Бир неча йиллардан кейин дaraohтларнинг танаси катталашиш оқибатида йўл ва йўлакларни ёрилиб кетиши, бордюрлар, ёмғир ва табиий сувларни оқиб кетиши учун ўрнатилган лотоклар нотеккис кўринишга келиб қолишига сабаб бўлади (2-расм).



2-расм. Дaraohtларни ривожланиши натижасида лоток ва бордюрларни нотеккис ҳолатга келиши.

Баъзи ҳолларда, тез катта бўладиган дaraohtларнинг остки қисмида тупроқ майдонини етарли даражада қолдирилмаслик ҳам юқоридаги камчиликларга сабаб бўлади (3-расм).



3-расм.

Дaraohtлар остки қисмида етарли даражада тупроқ майдони бўлмаган ҳолат.

Бундай ҳатоликларни юртимизнинг турли шаҳар ва туманларида, яшаш пунктларида учратишимииз мумкин. Бундан кейинги йилларда янги қуриладиган ва

қайта таъмирланаётган йўл ва йўлаклар, майдонлар ташкил этишда юқоридаги ҳатоликларни йўл қўймаслик керак. Агарда бундай ҳатоликларга йўл қўйилган бўлса, дарахтларнинг остки қисмида тупроқ майдони ташкил этилиши шарт. Тупроқ майдони етарлича бўлмаса, дарахтнинг ёшига ва танасининг катталашиш йилларига эътибор бериш керак. Агар дарахт қисқа йиллар оралиғида тезда катта бўлса, унда дарахт остки қисмидаги тупроқнинг диаметри (дарахт марказидан бетон қатлам, бордюр ёки лотокгача бўлган масофа) ни камида 50 см олган мақул. Аксинча бўлса, яъни дарахт узоқ йиллар оралиғида секин катта бўлса, тупроқ диаметрини камида 30 см олган мақул. Баъзи дарахтларнинг танаси катталашган сари дарахт томирлари ер сиртига чиқиб қолиши ҳам мумкин (чинор дарахтлари мисол бўла олади). Бу ҳолатда ҳам бетон ва асфалт-бетон йўлларни ёрилишига, бордюр ва лотокларни нотеккис кўринишга сабаб бўлади. Ҳар йили вилоят депутатлар кенгashiда ва республика Олий мажлисида, вилоят худудларида янги боғча, мактаб ва тиббий муассасаларни қуришни манзиллар рўйхатига киритилади. Афсуски ажратилган ер майдонида дарахт ёки кўчатлар мавжуд бўлади. Лойиҳа ташкилоти қуриладиган бино худудга шундай оптимал жойлаштиришни, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа меъёр талабларига жавоб бериш керак бўлади. Лойиҳаланаётган бино ўрнида кўчат ва дарахт бўлиши мумкин бўлади. Дарахтни кўпинча кўчириш имкони бўлмайди. Давлат экология қўмитаси инспектори дарахтни кесишга йўл қўймайди. Инспекторлар асос сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги 43-сон қарори ва “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш, кесиш ҳамда дарахтларни хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ” кўрсатмоқдалар. Бу ўз навбатида қурилиш муддатини узайиши ёки Бош режага нисбатан янги қуриладиган бино ноқулай қурилишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ №5084, 2021 йил 21 апрелдаги «Наманган вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридаям асосий эътибор Наманган шаҳрининг эски шаҳар ҳудуди инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шаҳардаги Янгиарик, Шимолий Фарғона канали ва Намангансий қирғоқларини ободонлаштиришга қаратилгандир. Бугун «Наманган юраги»нинг мазкур шоҳтомирларида Президен-тимиз маҳсус қарорининг ижроси доирасида кенг кўламли ободонлаштириш воситасида тозалаш, равонлаштириш, таъбир жоиз бўлса, ёшартириш, навқиронлаштириш муолажалари - ишлари жадал давом эттирилмоқда. Сув тармоғи қирғоқларида сув фильтрациясини камайтириш учун бетон қопламалар ётқизилмоқ-да. Бу қирғоқларни айrim қисмларида дарахт ва кўчатлар мавжуд, бўлиб уларни қирқиш ва олиб

ташлаш юқоридаги хукумат қарорига асосан зид келади. Натижада бу дараҳт ва



4-расм. Шимолий фарғона канали қирғоқларидағи холат.

күчатлар сув тармоғи қирғоқларида қолдирилди. Талаб этилган фильтрация олдини олиш тұла амалға ошмади (4-расм).

Қурилишда бундай холатларни олдини олиш учун Қурилиш вазирлиги ва Экология қумитаси мутахассислари томонидан керакли меъёрий қоида ва тавсиялар ишлаб чиқиши хозирги замоннинг энг мухим вазифаларидан бирибўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

- [1]. Mamadov, B., Muminov, K., Cholponov, O., Nazarov, R., & Egamberdiev, A. Reduction of Destructive Processes in Concrete Concrete Processing in Dry-hot Climate Conditions. International Journal on Integrated Education, 3(12), 430-435.
- [2]. R. Nazarov, J. Makhmudov Issues To Increase Energy Efficiency Of Exterior Walls Of Modern Buildings. International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR) 5 (5), 2
- [3]. ШНҚ 3.06.03-21 «Автомобиль йўллари» Расмий нашир. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги. Тошкент 2021
- [4]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5863, 2019 йил 30 октябрдаги, “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони.
- [5]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ №5084, 2021 йил 21 апрелдаги «Намангандар вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори
- [6]. ҚМҚ 2.03.01-96 “Бетон ва темирбетон конструкциялари” Расмий нашир. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент 1997.